

МАЪМУРИЙ ЖАРИМА ЖАЗОСИНИНГ МОҲИАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шерзод Муратович АЛИЯРОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

e-mail: sh.aliyarov@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада маъмурий жариманинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги роли тадқиқ этилган. Унда маъмурий жариманинг давлатчилик, фискаль (молиявий), профилактик ва тарбиявий жиҳатлари илмий асосланган. Маъмурий жариманинг ўзига хос хусусиятлари тизимлаштирилган ва унинг профилактик таъсири ҳуқуқий таҳлил қилинган. Мақоланинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижаларидан қонунчиликда жарима миқдори ва қўлланишини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Таянч сўзлар: маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жазо, жарима, асосий жазо, тарбиявий таъсир, қонунчилик.

СУЩНОСТЬ И ОСОБЕННОСТИ АДМИНИСТРАТИВНОГО ШТРАФА

Шерзод Муратович АЛИЯРОВ

независимый исследователь

Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

e-mail: sh.aliyarov@gmail.com

Аннотация

В данной статье исследованы сущность административного штрафа, его специфические особенности и роль в предупреждении правонарушений. Научно обосновано, что административный штраф обладает государственным, фискальным (финансовым), профилактическим и воспитательным характером. Научный вклад автора проявляется в систематизации специфических особенностей административного штрафа и правовом анализе его профилактического воздействия. Практическая значимость статьи заключается в том, что её результаты могут быть использованы для совершенствования размеров и применения штрафов в законодательстве.

Ключевые слова: административное правонарушение, административное наказание, штраф, основное наказание, воспитательное воздействие, законодательство.

Маълумки, маъмурий жазо чоралари жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларда қонунга итоаткорлик маданиятини шакллантиришнинг самарали ҳуқуқий

воситаси ҳисобланади. Жиноий жазоларга нисбатан енгилроқ бўлган маъмурий жазолар давлатнинг репрессив (жазоловчи) функциясини минимал даражада ифодалайди ҳамда тегишли тарбиявий ва профилактик таъсирни амалга ошириш имконини беради.

Маъмурий жазо чоралари маъмурий жавобгарлик институтининг асосий таркибий қисми бўлиб, уларнинг турлари, мазмуни ва қўлланиш хусусиятларини таҳлил қилмасдан туриб жазонинг мақсади, принциплари ҳамда самарадорлигини тўлиқ очиб бериш мумкин эмас.

Г.Муллабаеванинг фикрига кўра, маъмурий жазо чоралари ижтимоий тартиб ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиб, жазо тури ҳуқуқбузарликнинг тури, ижтимоий хавфи ва шахснинг ҳолатига қараб танланади [7]. Чунки, маъмурий жазо чоралари ҳуқуқбузарликнинг хавфлилик даражаси, ҳуқуқбузар шахснинг айби ва шахсий хусусиятларига кўра фарқли равишда ҳуқуқий таъсир кўрсатади. Шу боис, уларнинг ҳар бири қандай ҳолатда мақсадга мувофиқ қўлланилиши масаласи чуқур илмий асослашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 23-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун 7 та маъмурий жазо чораси қўлланилиши мумкин. Улар ичида жарима жазоси энг кўп қўлланиладиган жазо тури сифатида эътироф этилади. Статистик маълумотларга кўра [2], 2025 йилнинг биринчи ярмида ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қўлланилган маъмурий жазо чоралари ичида жарима энг кўп қўлланилган. Яъни, жами ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг 80,7 фоизига нисбатан ушбу жазо тури тайинланган. Кўриниб турибдики, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни қўллашда мазкур жазо турининг аҳамияти катта.

Жариманинг ўзига хос хусусиятларига тўхталишдан аввал унинг номланиши ва қўлланиш доирасига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 25-моддаси ушбу жазо турига бағишланган бўлиб, “Жарима” деб номланади. МДХ давлатлари қонунчилиги таҳлили моддани номлашда биров бошқача ёндашувга эга эканлигини кўрсатади. Масалан,

Россия Федерацияси (3.5-м.) [3], Қозоғистон Республикаси (44-м.) [4], Озарбайжон Республикаси (25-м.) [5], Тожикистон Республикаси (39-м.) [6] қонунчилигига кўра, ушбу жазо тури “*Маъмурий жарима*” деб юритилади. Мантиқан олганда ушбу фикрга қўшилиш ўринли бўлади. Сабаби, жиноят қонунчилигида (ЖК 44-м.) ҳам ушбу турдаги жазо чораси назарда тутилган бўлиб, у ҳам “Жарима” деб номланган. Ҳақли савол туғилади, улар ўртасидаги фарқ қандай? Жавоб аниқ: жазонинг табиати (миқдори), қўлланиш асослари ва ҳуқуқий оқибати. Жазони қўллаш субъектлари ҳам турлича. Маъмурий жарима енгил ҳуқуқий таъсир чораси сифатида профилактикага йўналтирилган бўлса, жиноий жарима давлатнинг жиноятга нисбатан қатъий реакциясини ифодалайди. Шу сабабли, назаримизда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 25-моддаси номланишини “Маъмурий жарима” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур моддада келтирилишича, жарима – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Кўриниб турибдики, ушбу жазо фискаль (молиявий) хусусиятга эга ҳамда айбдор шахсдан давлат фойдасига пул ундиришни назарда тутди. Яъни, давлат бюджетини тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Шу билан бирга, жарима маъмурий мажбурлаш чораларидан бири ҳисобланади. У маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан пул маблағини мажбурий ундиришда ифодаланиб, ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий, бир томонлама ва мажбурловчи хусусиятга эга бўлган таъсир чораси ҳисобланади [9; 98].

Таҳлил қилинаётган жазо тури маъмурий жазо чораларига хос бўлган умумий белгиларга ҳам эга. Унинг давлатчилик (мажбурлов) хусусияти маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда мустаҳкамланганлиги ва давлатнинг оммавий-ҳуқуқий иродасини ифода этиши билан изоҳланади. Қонунчиликка кўра, жарима фақат асосий жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин (айрим жазо турлари ҳам асосий, ҳам қўшимча чора сифатида

тайинланади). Қолаверса, жаримани бошқа жазо чоралари билан бирга қўллаш унинг шахсий ва ҳуқуқий аҳамиятини ошириши мумкин бўлса-да, ушбу жазонинг ўзини амалга оширишга тўғридан-тўғри таъсир қилмайди. Бу эса, унинг айбдор шахсга мустақил таъсир кўрсата олиш имконига эга эканлигини тасдиқлайди.

Жариманинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги унинг шахс онгига бевосита таъсир кўрсатиши билан ҳамда унинг моддий манфаатларига зарар етказиши билан изоҳланади. Мазкур ҳолат табиий равишда шахсда келгусида ҳуқуқбузарликдан тийилиш ҳиссини пайдо қилади. Айни шу асосга кўра, таъкидлаш мумкинки, таҳлил қилинаётган жазо тури превентив (олдини оловчи) ва тарбиявий хусусиятга эга ҳисобланади.

Жарима амалдаги қонунчилигимизда жазо тизимида биринчи ўринда келтирилган. Бу унинг бошқа жазоларга нисбатан енгил турдаги жазо чораси эканлигини англатади. Маъмурий жарима фуқаролик-ҳуқуқий чоралардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни қоплашга эмас, балки ҳуқуқбузарни жазолаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Бироқ қонунчиликдаги айрим ҳолатларда у ҳуқуқбузарлик оқибатида юзага келган моддий зарарни қоплашга хизмат қилувчи элементларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 38-моддаси 1-қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт. Бунда, маъмурий орган (мансабдор шахс) ҳам жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақлидир, жиноят ишлари бўйича суд эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар, ҳал қилаверади.

Жарима жазосининг яна бир ўзига хос хусусияти унинг бошқа жазо турларига алмаштириш мумкинлигидадир. Яъни, агар айбдор шахснинг моддий аҳволи жаримани тўлашга қодир бўлмаса, у бошқа турдаги, масалан, мажбурий жамоат ишлари ёки маъмурий қамоққа олиш жазоси билан алмаштирилиши мумкин. Бунда аҳамиятли жиҳати шундаки, айбдор

шахсининг тайинланган жазодан қочиш имконияти йўқолади. Бироқ жазони алмаштириш механизмлари қонунчиликда аниқ тартибга солинган бўлиши ҳамда органлар (мансабдор шахслар) томонидан ваколатидан фойдаланиш имкони чегараланган бўлиши лозим.

Жариманинг миқдори ҳам баҳсли масалалардан бири бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтда белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жарима объектига кўра икки турга бўлинади: 1) фуқаролар (жисмоний шахслар); 2) мансабдор шахслар. Улар миқдорига кўра фарқланади [8; 231]. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ (МЖтК 25-моддаси), фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Жариманинг энг кўп миқдори бўйича ҳам қонунчиликда чеклов мавжуд бўлиб, фуқаро ва хизматчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак.

Шунингдек, МЖтКнинг 25-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, баъзи ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Шу ўринда баҳсли савол туғилади. Маъмурий жариманинг бундай миқдори назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифалари қандай мезонлар ва талаблар асосида шакллантирилган? Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси тўртинчи қисмига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак [1]. Фикримизча, айтиш мумкин, айтиш конституциявий принцип асосида МЖтКнинг умумий қоидаларига маъмурий жариманинг миқдорини белгилаш тартибини назарда тутувчи аниқ нормани киритиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, юқоридаги таҳлилларга асосланиб, маъмурий жарима хусусида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Маъмурий жарима – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсдан давлат бюджетига мажбурий пул ундириш воситаси бўлиб, жамиятда ҳуқуқий тартибни таъминлаш ва қонунга итоаткорлик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий мақсади профилактика ва тарбиявий таъсир кўрсатиш бўлиб, жиноий жазога нисбатан енгилроқ ва шахсга мажбурий, бир томонлама таъсир кўрсатади. Жарима фискаль хусусиятга эга бўлиб, шахс онги ва моддий манфаатига таъсир қилади, қонунчиликда миқдори аниқ белгиланган ва шахснинг моддий имкониятига қараб бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкин. Шунингдек, у профилактик ва тарбиявий хусусиятлари билан ажралиб туради ва маъмурий жавобгарлик тизимида асосий ва самарали жазо тури ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (30.04.2023) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат вақти: 08.01.2026).
2. Jinoyat ishlari bo'yicha sudlarning 2025 yil 1-yarmidagi faoliyat yakunlarining asosiy ko'rsatkichlari // Электрон манба: <https://stat.sud.uz/criminal> (мурожаат вақти: 28.12.2025).
3. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях от 30.12.2001 N 195-ФЗ // Электрон манба: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/8bf465e4f65d04133835b2b184706bb053ee92ac/ (мурожаат вақти: 05.01.2026).
4. Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года № 235-V // Электрон манба: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31577399&pos=827;-132#pos=827;-132 (мурожаат вақти: 05.01.2026).

5. Кодекс Азербайджанской Республики об административных проступках // Электрон манба: https://continent-online.com/Document/?doc_id=36865427#pos=15;-42 (мурожаат вақти: 05.01.2026).

6. Кодекс Республики Таджикистан об административных правонарушениях // Электрон манба: https://continent-online.com/Document/?doc_id=30414710#pos=38;-53 (мурожаат вақти: 05.01.2026).

7. Муллабаева Г. Маъмурий жазо ва унинг турлари // Электрон манба: <https://buxoro-mamuriy.sud.uz/> (мурожаат вақти: 28.12.2025).

8. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н.Т.Исмоилов, Ў.Х.Мухамедов, А.С.Турсунов ва бошқ.: Ш.Т.Икрамов ва И.А.Хамедов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

9. Сафарянов И.Ф. Штраф как вид административного наказания // Евразийская адвокатура, 2016. – № 4 (23). – С. 98.